

Ота-онанинг рухсатисиз тижоратга бормаслик

Image not found or type unknown



11:30 / 11.11.2024 1926

لُجْرَلَا يِفْ، نَسَخْ لَانَع
جُرْخِيَا، نَادِلَاوْ هَلْ نُوْكَي
هَلْ تَنَّاكْ نَا: لَاقِ؟ رَاجَّتْ لَل
جُرْخِيَا لَفْ هَحْ وَدْنَمْ أَهْنَمْ

Ҳасандан ривоят қилинади:

«Бир одамнинг ота-онаси бор. У тижоратга чиқадими?» (деб сўрашди)
. У: «Агар ўшани қилмаслик имкони бўлса, чиқмасин», деди».

Шарҳ: Ўша вақтларда одамлар ойлаб тижорат сафаридида юришган. Карвонларга молларини ортиб, Шомга олиб бориб сотар, у ердан яна бошқа нарсаларни олиб қайтишар эди.

«Ота-онаси бор одам уларни ташлаб, тижоратга кетса бўладими?» деган саволга имом Ҳасан Басрий шундай жавоб айтибдилар: «Агар ўша тижоратни қилмаса ҳам куни ўтадиган бўлса, бормагани яхши».

Тижорат ортиқча зебу зийнат учун мол ишлаш мақсадида бўладиган бўлса, унга бормай қўяверсин. Ота-онасининг хизматини қилсин, дуосини олсин. Ана шунинг ўзи зиёда мол топишдан кўра яхши.

نَا أَنْعَلَبَ : لَأَقِي رِزْلًا نَع
جَحْيِي نُنْكَي مَلَّ رِيْرَه أَبَا
أَهْتَبُ حُصْلُهُمْ أَتَاتَامِي تَح

Зухрийдан ривоят қилинади:

«Бизга айтилишича, Абу Ҳурайра онасининг суҳбати учун у вафот этгунича ҳаж қилмаган».

Шарҳ: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу оналарини беҳад ҳурмат қилиб, «Онажонимнинг суҳбатларини топай, хизматларини қилай», деб ҳаж ҳам қилмаганлар. Оналари вафот этганидан кейингина ҳаж қилганлар. Бу улуғ саҳобийнинг онага бўлган ҳурмати. Ҳаттоки ҳажни ҳам кейинроққа қолдириб, онажонимнинг хизматидан қолмай, у кишининг суҳбатидан маҳрум бўлмай деб, фидойилик қилганлар.

لَاقِ وَرَمَعِ نُبِ هَلْ لَاقِ دَبَعِ نَعِ
يَلَصِّ يَبُّنْ لَاقِ لُجَرِ عَاجِ
أَيُّ لَاقِ فَمَّ لَسَوِ هَيْلَعِ هَلْ لَاقِ
كُعَيْ أَبُ تَيْجِ، هَلْ لَاقِ لُوسَرِ
تُكَرَّتْ دَقَوِ، هَرْجِ هَلْ لَاقِ
لَاقِ نَاقِ كُبَيْ يَاقِ أَوْبَأِ
أُمُّ هَكَحِ ضَأْفِ، أُمُّ هَيْلِ عَجْرَأْفِ
«أُمُّ هَتَيْ كُبَأِ أَمَكِ».

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, ҳузурингизга ҳижратга байъат қилгани келдим. Ота-онамни йиғлаган ҳолларида ташлаб келдим», деди.

«Икковларининг ҳузурига қайт! Уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай кулдир», дедилар».

Шарҳ: Демак, ҳижратга чиқиш маъносида ҳам ота-онанинг рухсати зарур экан. Уларни норози қилиб, ҳижратга кетишга фарзанднинг ҳаққи йўқ экан. Шунинг учун Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаттоки ҳижратга отланган саҳобаларининг ҳам ота-оналари норози бўлганларининг хабарини эшитганларидан сўнг уларни тезда орқага қайтишга, ота-онасини хурсанд қилишга, уларга итоат этишга буюрган

لَاقٍ وَرَمَعِ نُبِ هَلْ لَاقٍ ذَبَعُ نَعِ
يَلَصُّ يَبْنُلَا يَلِ لُجَرَءِجِ
هُعِي أَبِي مَلَسَ وَهُيَلَعُ هَلْ لَاقٍ
تُجِ ام لَاقِ فِ، هَجْ هَلْ لَاقٍ
لَاقِ. يَأْوَبَا تُيَكْبَأُ يَتَحِ
«أَمْ هَكَذَا ضَأْفُ أَمْ هِيَ لَاقٍ عَجْرَأْفُ».

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига ҳижрат учун байъат қилгани келди ва: «Ота-онамни йиғлаганича қолдириб келдим», деди.

«Уларнинг олдига қайт! Уларни кулдир!» дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф ҳам аввалги ривоятга ўхшар экан. «Бир одам келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳижрат ҳақида байъат қилмоқчи бўлди», дейдилар ровий. Лекин гапининг ичида: «Мен келаётиб, ота-онамни йиғлатиб келдим», деди. «Йўқ, орқангга қайт, бориб, уларни кулдиргин», дедилар Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам.

لَاقٍ وَرَمَعِ نُبِ هَلْ لَاقٍ ذَبَعُ نَعِ
هَلْ لَاقٍ يَلَصُّ يَبْنُلَا يَلِ لُجَرَءِجِ

